

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI
GONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIY
KENGASHLAR DEPUTATLARI SAYLOVIGA



KUN GOLDI

**SAYLOV
2024**
27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Самарқанд давлат чет тиллари институтида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова самарқандлик таълим соҳаси вакиллари, педагоглар билан учрашди. Унда депутатликка номзодлар, университет профессор-ўқитувчилари, партия фаоллари, талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.



ЎҚИТУВЧИ ОБРЎСИ — МИЛЛАТНИНГ ШАЪНИ

➔ Партиямиз етакчиси самарқандлик таълим соҳаси вакиллари билан учрашди



ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Adolat

**bor joyda taraqqiyot
bardavom!**

www.adolat.uz

OVOZ BERING!



ЎҚИТУВЧИ ОБРЎСИ — МИЛЛАТНИНГ ШАЪНИ

Учрашувни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши раиси Химмат Окбўтаев сўнгги йилларда юртимизда ўқитувчиларнинг ижтимоий мақоми ҳамда нуфузини оширишда салмоқли натижаларга эришилганини, мамлакатимизда таълим соҳаси энг илгор технологиялар, малакали кадрлар ҳамда сифат самарадорлиги асосида жадал ривожланаётганини таъкидлади. Қолаверса, электроратнинг катта қисмини таълим соҳаси вакиллари ташкил этадиган "Адолат" СДП бу жараёнга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганини, педагоглар учун бир қатор ташаббус ва лойиҳаларни изчил давом эттираётганини қайд этди.

Учрашув давомида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова сўзга чиқди.

Партия етакчиси ўз нутқи аввалида юртимиздаги ҳар бир педагог, таълим соҳаси вакили жонқуяр, фидойи шахс эканини эътироф этиб, уларнинг ўз билим ва маҳоратини доимий равишда оширишида, ҳақ-ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофазасини таъминлашда партия уларга доимий ёлдам бўлиш учун ҳаракат қилаётганига алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг Сийёсий Кенгаш раиси "Адолат" СДПнинг ўтган 5 йилликда таълим соҳаси, хусусан, ўқитувчилар мақоми ва нуфузини ошириш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Партиянинг ўтган Сайловолди дастурида таълим соҳасида муҳим ўзгаришлар ва ислохотлар учун бир қатор тақлифлар илгари сурилганди. Шу мақсад йўлида партия фракцияси ташаббуси билан ўқитувчилар ҳуқуқий мақоми янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича 2024 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикасининг "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Робохон Махмудова ўз маърузасида партиянинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида таълим соҳасини ривожлантириш, бунда ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, таълим муассасаларини замонавий инфратузилмалар билан таъминлаш, ўқув самарадорлигини ошириш каби масалалар юзасидан илгари сурилаётган ғояларга ҳам тўхталди.

— Умуман олганда, ҳар бир соҳанинг ривожланиши, мамлакат тараққиёти таълимга қаратилган эътиборга бевоқифлик бўлмайди. Шу нуқтаи назардан янги таҳрирдаги Конституцияда ўқитувчи мақоми алоҳида белгилангани бежиз эмас. Зеро, жамиятимизда ўқитувчининг обрўси ошса, бутун миллатнинг обрўси ошади. Шу бос, партиямиз электроратнинг асосий қисмини ташкил этувчи ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бундан кейин ҳам доимий

диққат-эътиборимизда бўлади.

Биз ота-оналарнинг таълим-тарбия жараёнига фаол жалб этилишига, оила, мактаб ва маҳалла ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Зеро, мактаб ва ота-оналар ўртасидаги кучли алоқалар таълимнинг муваффақияти калитидир, — деди партия етакчиси.

— "Адолат" СДП фаолиятини доимий кузатиб бораман, — деди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ўқитувчиси Мусаввара Ибрагимова. — Партия сўнгги йилларда жамиятнинг илмий меъморлари бўлган биз каби ўқитувчиларнинг нуфузини оширишда қўллаб-қувватлаш ишлар қилди. Улардан бири, партия етакчиси Робохон Махмудова таъкидлаганидек, "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги қонун қабул қилинишида фаоллик кўрсатди. Мени хурсанд қилган жиҳати — унда педагоглар касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиши, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижодий таътил олиши акс этганидир. Нима учун? Чунки ўтган даврларда ўқитувчиларни қорғозлик ҳаддан ташқари эътибор қўйган, ўз устида ишлаш учун туяниче думи ерга тегишини кутиши керак эди. Энди эса ўқитувчининг қадри юксалди, кўксига шамол теғди. Қолаверса, таълим олишлар ва уларнинг ота-оналари, умуман, кенг жамоатчилик томонидан педагог

касбига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурати сезилди.

— Партиянинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури билан танишиб чиқдим, — деди Самарқанд давлат чет тиллари институтининг инглиз тили назарияси ва адабиёти кафедраси мудирини Нилуфар Сулейманова. — Қувонарлиси, унда таълим соҳасига кейинги беш йиллик учун ҳам катта эътибор қаратилган. Очиғини айтсам, бугун юртимизда таълим сифати қонқарли даражада эмас ва ушбу соҳада ечилиши муҳим бўлган долзарб масалалар ҳали кўп. Хусусан, синфларда болалар сонининг ҳаддан зиёд кўпчилиги уларнинг билим олишига интилиши ва иштиёқини пайсатирмоқда. Ўйлайлик, ўзимиз бир синфда 30-35, ҳаттоки, 40 нафарга яқин ўқувчи ўқидиган ҳолатларга кўп гувоҳ бўламиз. Бундай ўқитишда дарсда самара бўладими? Ўқитувчи дарсини барча болаларни қамраб оладиган даражада ташкиллаштириши олади?! Шунинг учун ҳам партиянинг айрим умумтаълим мактабларида синфдаги ўқувчилар сони белгиланган нормадан анча юқори эканлиги уларнинг сифатли таълим олишига салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, айниқса, ўқувчилар сонини оптималлаштириш зарур, деб ҳисоблашимиз менга жуда маъқул келди.

Учрашув давомида 35-Самарқанд вилояти сайлов округида "Адолат"

СДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Маҳина Ахророванинг ишончли вакили томонидан номзод таржимаси ҳоли ўқиб эшиттирилди.

Тадбирда сўзга чиққан Маҳина Ахророва ўз Сайловолди дастурида айнан таълим соҳасида илгари сураётган "умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш", "илм-фан билан шуғулланиш истағида бўлган олимпиада хотин-қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида соҳага оид қонунчиликка уларга қўшимча имтиёзларни кўзда тутивчи нормалар киритиш"га оид тақлифларнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳамда уларни амалга ошириш режаси ҳақида сўз юритди.

Учрашувда педагогларнинг профессионал ривожланиши, таълим сифатини ошириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди, педагоглар ўзларини қизиқтирган саволларга партия етакчиси ва маърузачилардан батафсил жавоб олишди.

— Ёшлик пайтларимдан оқ "Адолат" СДП ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этишига қизикқардим, — деди

партиянинг Каттақўрғон шаҳар Кенгаши қошидаги "Ёшлар қаноти" ҳаракати раиси Шаҳризода Махмудова. — Янги Ўзбекистон ёшларидан бири сифатида шунини айта оламаники, бу йилги сиёсий жараёнлар, яъни сайловлар ўзгача руҳда бўлиб ўтади. Бунинг бугунги депутатликка номзодлар билан учрашувлардан яққол сезиш мумкин. "Адолат" партиясидан кўрсатилган номзод ва партия вакиллари иштирокидаги ушбу учрашув "Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!" шiori остида ўтмоқда. Таълимга сармоя — бу келажакка сармоя, шунингдек, халқ фаровонлиги, давлатнинг халқро миқёсда рақобатдошлигини таъминловчи омилдир. Шу бос, партия ғояларида улуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалалари ифодасини топаган. Бу борада таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш, айниқса, давлат мактабгача таълим муассасаларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тартибини қайта кўриб чиқиш, шу мақсадда "очқ онлайн рўйхат" ташкил этиш тақлифларини ҳар жиҳатдан манафатли ва керакли, дея оламани.

Учрашув якунида самарқандлик хушовоз хонадалар, "Ниҳол" муқофоти лауреатлари ҳамда Булунгур туманининг "Жозиба" рақс ансамбли ўз чиқишлари билан учрашувга ўзгача файз киритдилар.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТЛАРИГА ЭЪТИБОР —

Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг устувор мақсади

Давра суҳбати

Пойтахтимизда Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази томонидан "Демократик жараёнларни янада такомиллаштириш: замонавий ёндашувлар ва халқаро тажриба" мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ, журналист

Унда мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, янги сайлов тизими ва сиёсий рақобатни ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилган муҳим қадамлар ва эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сиёсий партиялар вакиллари, Қонун-

чилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси, "Юксалиш" ҳаракати, "Тараққиёт стратегияси" маркази, ННТ ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шунингдек, Буюк Британия, Канада, Озарбайжон, Миср, Покистон, Россия каби давлатлардан халқро даражадаги экспертлар, таниқли мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Халқро давра суҳбатиде сўнгги 7-8 йил давомида мамлакатимизда чуқур демократик ислохотлар ортага қайтмас

одинлар билан илдамлаётгани, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор бўлган Янги Ўзбекистонни бунёд этишдаги инсонпарварлик сиёсати, ижтимоий давлатлигини асосланган конституциявий ислохотлар, гендер тенглик, аёллар ва болалар ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш, давлат бошқарувида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ҳаракатлар ва уларнинг натижалари алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан жаҳоннинг энг юксак сиёсий минбарларида, йирик халқро тадбирлар ва учрашувларда илгари сурилган ва халқро эътирофларга сазовор бўлган муҳим ташаббуслар хусусида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Бундан ташқари, маърузалардан янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, янги шакл ва моҳиятга эга сайлов тизими мисолида юртимизда инсон қадри ва манфаатларига эътибор, давлат бошқарувида жамоатчилик иштироки ва фаоллигини янада оширишга қаратилган интилишлар самараси кенг урин олганини алоҳида қайд этиш мумкин.

— Ўзбекистондаги сайлов меъёрлари халқро стандартларга, хусусан, Европа кенгашининг Венеция комиссияси андозаларига ҳам мос ва ҳатто устувор жиҳатлари ҳам бор, — деди Россия иқтисодиёт олий мактаби доценти Кирилл Молодиқо. — Масалан, Ўзбекистонда сайловда овоз бериш учун кимнинг келмагани назоратга олинмайди ва ҳатто ошкор ҳам этилмайди. Бу жараёнга мутлақо эркин

тарзда ёндашилади. Шу билан бирга, сайловолди учрашувларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан белул бинолар ажратилиши диққатга сазовор.

Қизгин мулоҳазаларга бой ўтган анжуман нафақат фикр алмашиш, балки юртимизда демократик жараёнларни янада жадаллаштириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқиш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилади. Хусусан, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий амалиётимизга татбиқ этиш имконини беради.

Халқро давра суҳбати доирасида амалга оширилган маҳаллий ва хорижий экспертлар ўртасидаги дўстона мулоқот Ўзбекистондаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган қимматли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда ўз самарасини беради.

SAYLOV 2024 27-OKTABR

MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

ХАЛҚЧИЛ ҒОЯЛАРНИ илгари сурамиз



Сайловлар арафасида жамоатчиликни сиёсий партияларнинг Сайловолди дастури, ўз олдига қандай вазифаларни мақсад қилиб қўйгани қизиқтириши табиий. Чунки уларнинг ишончини қозонган партия вакиллари эртага сайловчилар номидан иш олиб боради.

**Мадаминжон МАДАЗИМОВ,
Андижон вилоят кенгаши раиси**

Шу маънода бугун Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партиясининг янги 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури кўпчилида қизиқиш уйғотмоқда. Дастурда белгиланганидек, биз "адолатчилар", аввало, адолат учун курашишни бош мақсад, деб биламиз. Чунки инсон ҳар доим адолат сари интилади. Зеро, адолат тамойили ҳар қандай жамиятнинг мустақкам маънавий-ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади. Адолат қарор топган жамиятда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради, халқнинг давлат сиёсатига бўлган ишонч-эътиқоди ортади, фуқароларнинг Ватан келажига дахлдорлик туйғуси юксалади.

Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойилларига содиқ қолган ҳолда суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қурилишида партия иштирокини таъминлаш, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда жамиятда кескин табақаланишга йўл қўймаслик барқарор тараққиётнинг муҳим шarti эканлигини таъкидлаб, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш ғоясини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Шунингдек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақидаги конституциявий принцип асосида халқ ҳокимиятининг тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтларининг роли ва аҳамиятини янада ошириш вазифаси ҳам жуда долзарб. Бу ўз ўрнида жамоатчиликда вакиллик институтларига бўлган ишонччи оширади.

Кези келганда кейинги йилларда партияимиз фаолиятининг жонлангани, сафдошларимиз ва хайрихоҳларимизнинг сафи кенгайиб бораётганини таъкидлаш лозим. Келгуси беш йилликда юқоридаги каби халқчил ғояларнинг илгари сурилиши сиёсий майдондаги ўрнимизни янада мустақкамлайди.

“Адолатчилар” юксак мақсадлар билан сиёсий майдонда

Айни кунларда республикамизда жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Сиёсий партияларнинг ва улардан кўрсатилган номзодларнинг Сайловолди дастурларида мамлакатимизни юксак тараққиётга эришишини таъминлаш мақсади амалий ифодасини топган.



Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши томонидан Андижон давлат тиббиёт институти йиғилишлар залида сайловчилар билан ўтказилган учрашув айни шу мақсадга қаратилди. Унда партия фаоллари, депутатликка номзодлар ва айни вақтда фаолият олиб бораётган халқ вакиллари иштирок этди. Дастлаб партиянинг 2019-2024 йиллардаги фаолиятга эътибор қаратилди. Партия лойиҳалари асосида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берилди. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолиятида жонланмиш кузатилгани эътироф этилди. Шундан сўнг сайловларга тайёргарлик ва партия Сиёсий кенгашининг навбатдаги Қурултойида тасдиқланган янги Сайловолди дастури тўғрисида сўз юритилди. Унда белгиланган вазифалар "адолатчилар" учун асосий дастуруламал бўлиши кўрсатиб ўтилди. **Малоҳатхон МУСАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:** — Сиёсий жараёнга қизгин ҳозирлик кўра-

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

“Адолат”
социал-демократик
партияси ва унинг
номзодларига
овоз бering!

27
октябрь

**ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА
АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ
САРИ!**

www.adolat.uz @adolat_uz

Сайлов-2024

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Овоз бering

**БИЗ ҚОНУНСИЗЛИККА
ҚАРШИМИЗ!**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ –
УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ!**

- ✓ Партия давлат маблағларига қилинган ҳар қандай тажовузни Ватанга хиёнат сифатида баҳолайди ва талон-тароғлик ҳамда сунистеъмолчиликларни қатъий жазолаш принципини илгари суради;
- ✓ коррупция билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, талон-тароғ ҳолатлари учун жазони кучайтирувчи, етказилган зарарларни ўн баробар микдорда ундиришни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш;
- ✓ давлат даромадига ундириладиган барча тўловлар (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий ундирувлар) вазирлик ва идоралар ғазнасига эмас, тўлалигича давлат бюджетига тушишини таъминлаш;

www.adolat.uz @adolat_uz @sdpu.adolat @adolat_sdp

www.adolat.uz

Adolat

**bor joyda taraqqiyot
bardavom!**

Qonunchilik palatasiga nomzod
MALOHATXON MUSAYEVA

Ovoz bering!

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ётган партияимиз ўзининг "Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!" деб номланган Сайловолди дастурини эълон қилди. Унда социал-демократиянинг илғор миллий ва хорижий тажрибалари, замонавий социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик каби халқчил ғоялар ўз ифодасини топди. Шу сабаб у жамоатчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Биз номзодлар ўз дастуриимизни юқоридагилардан келиб чиқиб тайёрладик ва бунда ҳудудлардаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишни ҳам асосий вазифа сифатида киритдик.

Таъкидланганидек, ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш мақсадида 9-14 ёш болаларни ҳар йилда бир марта давлат маблағлари ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтиш амалиётини йўлга қўйиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш каби илгари сурилган ғоялар жуда ўринли.

Бир сўз билан айтганда "адолатчилар"нинг янги таклиф ва ғоялари сайловчиларнинг қарашларига тўғри келяпти. Шу сабаб кўпчилик "Адолат" СДП ва кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашни билдирмоқда.

Андижон вилоят кенгаши
Матбуот хизмати

www.adolat.uz

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

imkoniyatlar va adolatli jamiyat sari!

OVOZ BERING!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ташвиқот тадбирлари бошланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этувчи сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жорий йилнинг 22 сентябридан бошланди.

Амангул ЕСЕМУРАТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ҳам тарғибот пунктлари атрофида партия ва номзодлар баннерлари тақдим этилиб, сайловолди ташвиқоти тадбирлари кўтаринки руҳда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Нукус шаҳри Дўстлик уйида бўлиб ўтган тадбирда аҳоли партияимизнинг Сайловолди дастуридаги ташаббус ва ғоялар билан яқиндан танишдилар.

Унда мазкур муассаса ходимлари, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудий кенгашлари фаоллари, парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар, бошланғич партия ташкилотлари вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари

аъзолари, ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, бу йилги сайловларда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 65 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига 375 нафар номзодлар кўрсатилган бўлиб, уларнинг қарийб 45 %ини хотин-қизлар ташкил этади. Номзодлар орасида турли соҳа вакиллари бўлиб, уларнинг 38 %и педагоглар, 15 %и тиббиёт соҳаси вакиллари, 18%и қишлоқ хўжалиги, 9 %и ишбилармонлар ва бошқа соҳа вакиллари билан иборат.

Қайд этиш керакки, тадбир даво-

мида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастури «Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!» шиори остида илгари сурилган халқчил ғоя ва ташаббуслар сайловчилар, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Мулоқотлар чоғида сайлов жараёнларининг нақадар муҳимлиги, ҳуқуқий – демократик давлатни барпо этишда аҳолининг, айниқса, ёшлар, жамоатчилик вакиллари фаол бўлиши катта аҳамиятга эга эканлиги ҳам тушунтирилди.

Тарғибот пунктлари ҳар бир ҳудудда ташкил этилиб, юртдошларимиз мазкур сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмасликка, сайловда фаол бўлиш ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП номзодлари ва албатта, партияимизга оvoz беришга чақирилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди.

27 октябрь куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараёнларга тайёргарлик кўриш ва унда сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирни Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Нурлибой Қаипбергенов очди ва тадбир иштирокчиларига партия Сайловолди дастурида илгари сурилган асосий ғоя ва мақсадлар, муҳим йўналишлар ҳақида маълумот бериб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида партия томонидан парламент ва маҳаллий Кенгашларга қўйилган номзодларнинг ишончли вакиллари сўзга чиқиб, уларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан таништирди.

Учрашув якунида номзодлар томонидан ёш сайловчиларнинг муносабатлари, таклиф ва фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Сайловчилар томонидан билдирилган ҳар бир фикрга улар томонидан аниқ жавоблар қайтарилди.

Номзодларнинг Сайловолди дастурига киритилган таклифлар иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Овоз беринг

ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК СИЁСАТИНИ КЕНГАЙТИРАМИЗ!

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ!

- олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун "Кафолатланган биринчи иш жойи" лойиҳасини амалга ошириш;
- уруш, меҳнат, Қуролли кучлар, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлиги ва бошқа хизматлар фахрийларининг мақомини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида "Фахрийлар тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш;
- истироҳат боғлари, болалар оромгоҳлари, сайилгоҳлар, таълим ва тиббиётга оид давлат объектлари ва уларнинг ҳудудларини сотиш, хусусийлаштириш ёки бегоналаштиришни тақиқлаш, бундай ҳаракатлар учун жавобгарлик белгилаш;

www.adolat.uz @adolat_uz @sdpu.adolat @adolat_sdp

"Credo Print Group" МЧЖ
Манзил: Тошкент ш.
Боттишамол к. 160 уй

Буюртмачи:
"Адолат" СДП

Адади: 180 000 нуска
Сана: 21.09.2024

www.adolat.uz

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Adolat bor joyda taraqqiyot bardavom!

Qonunchilik palatasiga nomzod
ADILBEK ALLANAZAROV
Ovoz bering!